Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 24 сентябрь, чоршанба • №78 (11.569) • Эркин нархда сотилади

## САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Польша Республикаси Сеймининг (парламент) Польша-Ўзбекистон парламент гуруҳи раиси Элжбета Радзишевска раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан учрашди.*

Суҳбатда Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Меҳмонларнинг мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан мулоқоти чоғида эса мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

Сейм вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида профессор-ўқитувчилар ҳамда поляк тилини ўрганаётган талабалар билан суҳбатлашди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

*Ўзбекистонлик мутахассисларнинг навбатдаги гуруҳи техник ва иқтисодий ҳамкорлик дастури — ITEC доирасида малака ошириш учун Ҳиндистонга жўнаб кетди.*

– Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида демократик давлат, фуқаролик жамияти ва бозор иқтисоди асосларини мустаҳкамлашга каратилган жадал ўзгаришлар рўй бермоқда, – деб таъкидлади Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси иккинчи котиби жаноб Маниш. – ITEC доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорликдан мақсадимиз инсон ресурсларини ривожлантириш орқали бу ишга кўмаклашишдир. Жумладан, ҳозиргача 650 дан ортиқ ўзбекистонлик мутахассис телекоммуникация, менежмент, туризм, фармацевтика, дипломатия, кичик ва ўрта бизнес, юқори ахборот технологиялари, молия, журналистика, тўқимачилик саноати каби муҳим йўналишларда ўқитилди. ITEC доирасида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик сўнгги йилларда анча кенгайди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур дастур Ҳиндистон томонидан 1964 йилдан буён 144 мамлакатда амалга оширилмоқда. Бу соҳада Ўзбекистон билан ҳамкорлик 1993 йилда бошланган бўлиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

**ЎзА.**

## ЙИРИК ХАЛҚАРО МАЪЛУМОТНОМА

*АҚШда "Akademik press" компанияси, IASPEI — Халқаро сейсмология ва ер ички тузилиши физикаси ассоциацияси билан ҳамкорликда "Зилзилалар ва инженерлик сейсмологияси" икки томлик йирик халқаро маълумотнома чоп этилди.*

Китоб жаҳон сейсмологлари ҳамкорлиги натижаларига бағишланган бўлиб, унда дунёнинг 57 мамлакатида мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган ташкилотлар, олимлар, уларнинг илмий мавзулари, фойдаланилаётган ўлчов асбоблари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Нашрда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институтига алоҳида ўрин ажратилган. 100 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида узлуксиз фаолият кўрсатиб келаётган Тошкент марказий сейсмик станцияси ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

**Беҳбуд БОТИРОВ, ЎзА мухбири.**

# КИТОБДАН ЯХШИРОҚ ДЎСТ ЙЎҚ

**20 сентябрдан 30 сентябргача вилоятимизда «Мутолаа куни» тадбирлари ўтказилмоқда.**



Ушбу тадбирлар дебочаси 20 сентябрь куни Янгийўл шаҳридаги «Навоий гулшани» маданият ва истироҳат боғида Тошкент вилояти кутубхоналар ассоциацияси, «Турон» илмий-универсал кутубхонаси, Янгийўл шаҳар «Маънавият ва маърифат» кенгашининг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган «Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда» деб номланувчи анжуман билан бошланди. Унга ташриф буюрган меҳмонлар, «Маънавият ва маърифат» кенгаши мутасаддилари, жойлардаги кутубхоналар ходимлари, шаҳар ва туман мактабларининг ўқувчилари ва ёшлар шаҳар ўқувчилар ижодиёти уйи қўғирчоқ театрининг «Олтин тож» спектаклини мароқ билан томоша қилиб, «Энг яхши китобхон» танлови ҳамда «Кутубхонага китоб ҳадя қилинг» акцияси ғолиблари рағбатлантирилишининг гувоҳи бўлдилар.

Шунингдек, шаҳар мактаблари ўқувчилари тайёрлаган кўргазмалар намойиш этилди, ёш спортчиларнинг чиқишлари, шоҳмот-шашка мусобақалари уюштирилди. Шу куни китоб савдоси ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Шаҳар маданият бўлимининг бадиий ҳаваскорлари ижро этган куй ва қўшиқлар тадбирга файз киритди.

Тадбир мобайнида ўтказилган мусобақалар ғолиблари «Маҳалла», «Соғлом авлод» хайрия жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгашининг дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.




*СУРАТЛАРДА: Янгийўл шаҳрида ўтган «Мутолаа куни» тадбири иштирокчилари.*

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ,**
**Еркебой БОТИРОВ,**
**(суратлар)**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.**

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### ЯНГИ АНЖОМЛАР БИЛАН

*Оҳангарон туманида 53 та мактаб бор. Улардаги ўқувчилар ўқув йилининг биринчи чорагини яхши кайфиятда бошлашди.*

Вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан тақдим этилган 3 миллион сўмлик турли спорт анжомлари жисмоний тарбия дарсларини мазмунли ўтишига кўмаклашмоқда. Волейбол, баскетбол, футбол тўплари, теннис столлари ва бошқа спорт турлари учун мўлжалланган воситалар кундалик машғулотларда ғоят асқотаяпти.

**Хуршида МЎМИНОВА.**

### СОБИДА ТУМАН ҒОЛИБАСИ

*Оҳангарон тумани маданият уйида «Тадбиркор аёллар» уюшмаси ташаббуси билан «Маҳалламнинг тадбиркор аёллари» деб аталган кўрик-танлов бўлиб ўтди.*

Каштачилик, миллий ҳунармандчилик, гиламдўзлик, тикувчилик ҳамда маиший хизмат кўрсатиш йўналишларида беш тур бўйича ўз маҳоратларини намойиш этган тадбиркор аёллар ғолиблик учун астойдил ҳаракат қилишди. Танлов шартларини уддабуронлик ва чаққонлик билан уддалаган қорахтойлик Собида Қудратова маиший хизмат кўрсатиш бўйича туман ғолиблигини қўлга киритди.

Барча қатнашчиларга ҳамда ғолиб совриндорларга туман ҳокимлиги, «Тадбиркор аёллар» уюшмаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимларининг эсдалик совғалари топширилди.

**Муқаддас АЛИЕВА.**

### АССАЛОМ, АСКАРЛАР!

*Янгийўл шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Мудофаа бўлими ҳамкорлигида Чирчиқ шаҳрида сафарбарлик чақирув захирасига йўлланган ва бир ойлик тайёргарлик муддатини ўтаётган йигитлар билан учрашув ўтказилди.*

Учрашув қатнашчилари ҳарбий хизматга чақирилувчи заҳирадаги аскарлар жойлашган масканлар, ўқув хоналари ва жисмоний тарбия машғулотлари ўтказиладиган жойлар билан таништирилди.

Тадбирда «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари «Ватан ҳимояси ишончли қўлларда», «Огоҳлик диққат-эътиборимизда» каби мавзуларда маърузалар ўқишди. Учрашув сўнгида янгийўллик аскарлар билан суҳбатлар уюштирилди.

**Камолиддин АСҚАРОВ.**

### КОЛЛЕЖДА ДАВРА СУҲБАТИ

*Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежининг ёшлари ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мавзуларига бағишланган очиқ давра суҳбати ўтказилди.*

Унда прокуратура, суд, ички ишлар бўлими ҳамда марказий шифохона вакиллари иштирок этишди. Шунингдек, ушбу суҳбат давомида «Саломатлик — маънавият негизи», «Ўз уйингни ўзинг асра» каби мавзуларга ҳам алоҳида эътибор берилди.

**Гўзал СОЛИЖОНОВА.**

### ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

*Абу Али ибн Сино номли тиббиёт коллежида тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказлари ходимларининг семинар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қуйичирчиқ, Чиноз, Оққўрғон, Зангиота, Янгийўл туман ва шаҳри тиббиёт ходимлари иштирок этишди.*

Семинарда бугунги кунда соҳа ходимлари олдида турган долзарб вазифалар, ходимларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар, марказларни замонавий ҳамда кераkли тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш, бўлажак мутахассисларга таълим бериш жараёнларини такомиллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

ВИЛОЯТ ҳаёти

## «БАРКАМОЛ АВЛОД – 2005»ГА ТАРАДДУД

*Мамлакатимиз спортига Осиё ўйинлари чемпиони Икром Бердиев, Осиё чемпиони ҳамда Олимпиада ўйинлари бронза медали соҳиби Рустам Саидов сингари машҳур боксчиларни етиштириб берган Чирчиқ шаҳрида айни пайтда 2005 йилда касб-ҳунар коллежлари ўртасида ўтказиладиган «Баркамол авлод» республика ўйинларига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.*

Шаҳарда Бўзсув канали бўйидаги 2 гектарлик майдонда «Электркимёсаноат» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳомийлигида болалар спортини ривожлантириш мақсадида янги мажмуа қурилмоқда. У «Паркентсувқурилиш» пудратчи ташкилоти томонидан бунёд этилаётган бўлиб, ҳозиргача 18 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Мажмуа жуда баҳаво ва хушманзара ҳудудда бунёд этилаётир. Унда келажакда халқаро турнирларни ҳам бемалол ўтказиш мумкин бўлади. Шу мақсадда меҳмонхона, теннис кортлари, байдаркада эшкак эшиш, тренажёр ва сузиш мажмуалари қурилмоқда.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ.**

# СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

*Ўзбекистон истиқлолга эришиб, мустақил иқтисодий ислоҳотлар йўлини танлаганидан сўнг, ҳукумат олдида мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, моҳиятан янги солиқ тизимини вужудга келтириш вазифаси турар эди. Зеро, иқтисодиётни бошқариш борасида совет маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос қолган бюджетни шакллантириш механизми ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар талабларига мос келмас, мамлакатимиз манфаатларига жавоб бермас эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1992 йилдаёқ юртимизда эндигина шаклланаётган солиқ тизими катта эътиборни ва такомиллаштиришни талаб этади, деган эди.*

Солиқ ислоҳотларини амалга оширишда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қуйидаги масалаларни ҳал қилиш устувор вазифа сифатида қўйилди:

Биринчидан – корхоналарга нисбатан солиқ юкини имкон қадар камайтириш, бунда корхона ўз маблағларини мустақил равишда тасарруф эта олиш салоҳиятига эга бўлиши. Энг аввало, бевосита солиқларни камайтириш ва билвосита солиқларни ҳамда ресурс тўловларини, айниқса, қайта тикланмайдиган табиий бойликлар, ер ва сув заҳираларидан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишни оптималлаштиришга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Иккинчидан – ишлаб чиқарувчилардан бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар учун ундириладиган солиқлар суммаси ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва иқтисодий ривожланишнинг белгиланган суръатларида оптимал равишда мувофиқлаштирилиши керак.

Учинчидан – солиқ сиёсатини шакллантириш пайтидаги бюджетлараро нисбатларга қатъий риоя қилиш, яъни даромадларнинг қайси қисми ишлаб чиқарувчиларда қолиши кераклиги, қайси қисми маҳаллий ва республика бюджетига келиб тушиши лозимлигининг оптимал нисбатларини таъминлаш керак.

Тўртинчидан – солиқларни бирхиллаштириш, сонини қисқартириш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш механизмларини соддалаштириш бўйича доимий иш олиб бориш.

Бешинчидан – йиллик солиқ сиёсатини шакллантиришда давлат харажатларининг мумкин қадар қисқартирилиши ва оптималлаштирилишини энг муҳим устуворлик сифатида инобатга олиш.

Бозор муносабатлари, хўжалик юритишнинг янги шакллари ривожланиши билан солиқ қонунчилиги зикр этилган тамойиллардан келиб чиқадиган ҳамда ислоҳотларнинг тегишли босқичи шароитига мос келадиган жиддий ўзгаришларга учради. Шу тарзда янгиланиш ва ислоҳотлар туфайли республикада бюджетнинг даромад қисмининг барқарор шаклланишини таъминловчи ва иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи режали, халқаро тамойиллар ва меъёрларга мос келадиган солиқ тизими яратилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан солиқ тўловчиларда масъулият ҳиссини, солиқларнинг мақсадли йўналтирилганлигини англаш ҳиссини шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа деб белгиланган. Солиқ тўловчилар нима учун солиқ тўлаётганликлари, уларнинг миқдори нима сабабдан ошгани ёки камайтирилганлигини яхши тушунишлари керак. Энг муҳими – солиқлар таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш орқали алал-оқибат солиқ тўловчиларнинг ўзига қайтиши ва уларнинг манфаатларига хизмат қилишини англашлари лозим.

### Солиқлар – иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим омили

Солиқ механизми иқтисодиётни бошқаришнинг бозор воситалари орасида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солувчи механизмларининг истиқболли эканлиги ва бунда давлат ихтиёрида фақат иқтисодий воситалар ва рағбатлар сақланиб қолишини ҳамда уларнинг таркибий қисми солиқлар эканлигини бир неча бор таъкидлаган.

Солиқлар иқтисодий сиёсатнинг энг амалий воситасидир. Қандай солиқ сиёсати юритилаётгани ва солиққа тортиш соҳасидаги чора-тадбирлар қанчалик самарали эканлиги кўп жиҳатдан иқтисодий ислоҳотларнинг характери ва динамикасини белгилайди. Оқилона ташкил этилган, яхши мувозанатланган солиқ тизими, бозор иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳамда шу асосда барқарор иқтисодий ривожланишга эришишнинг асосий воситаларидан биридир.

Солиқ муносабатлари қанчалик ривожланганлигидан қатъи назар солиқ тизими ўзининг асосий вазифаси – фискал, қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасининг бажарилишини таъминлаши лозим. Энг муҳими, мавжуд солиққа тортиш тизими стратегик мақсадларга ҳам, айни пайтда, иқтисодий ислоҳотларнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли мақсадларига ҳам мос келиши ва шунга хизмат қилиши керак.

(Давоми 2-бетда).

Ислоҳот

# ГИДРОСКОПИК ПАХТА: МАНЗИЛИ АНГРЕН

*«Ўзмедкоттон» Ангренда барпо этилган қўшма корхоналарнинг кенжаларидан бири. Унинг ёш жамоаси ўз маҳсулотини харидорлар ҳукмига ҳавола қилганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ.*





Швейцариялик сармоядорлар билан маҳаллий тадбиркорлар ҳамкорлигининг самараси бўлган корхона тиббиётда кенг ишлатиладиган гидроскопик пахта ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Вилоятимиздаги ягона бу корхона йилига икки минг тонна шундай маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Бу ноёб маҳсулотга ички бозорда ҳам, чет элларда ҳам талаб катта. Ҳозирнинг ўзидаёқ Германия ва Россиядаги тиббий марказлар билан гидроскопик пахтани етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилди.Уларнинг ҳар бири минг тоннадан шундай маҳсулотни сотиб олишни режалаштирган. Айни вақтда уни республика соғлиқни сақлаш тармоқлари ҳам буюртма асосида олиб турипти.

Бундай қимматли пахтани ишлаб чиқариш учун асосан маҳаллий хом ашё ишлатиляпти. Бешинчи нав «оқ олтин»ни қайта ишлаш билан у тайёрланмоқда. Шу билан бирга хориждан ҳам қўшимча хом ашё келтириляпти. Чунончи, Германия водород периксоди ва Хитой каустик сода етказиб бермоқда. Жамоа кейинчалик хом ашёни тўла маҳаллийлаштиришни ҳам назарда тутмоқда. Шунда маҳсулот таннархини янада камайтиришга эришилади. Ўз сафига 98 нафар ишчи-хизматчини бирлаштирган жамоа меҳнатда янги марраларни кўзлаяпти.

**Собир ҲАМИДОВ.**

***СУРАТЛАРДА:*** *оператор Илҳом Холматов технологик жараённи кузатмоқда; ишлаб чиқариш бошлиғи Содиқ Йўлдошев, бош технолог Раиса Волочаева ва бош муҳандис Қурбон Холжонов иш юзасидан суҳбатлашмоқдалар.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР

*26 сентябрь куни пойтахтдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида очиладиган "Молиявий хизматлар" кўргазмаси тадбиркорлар ва молия институтлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ва яхши муносабатларни йўлга қўйишга хизмат қилади. Ушбу тадбирни Американинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) ва "Прагма" корпорацияси ташкил этмоқда.*

Кўргазма тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳа доирасида ўтказилмоқда. ЮСАИДнинг беғараз ёрдами туфайли унда қатнашиш бепул, келганлар ташриф қоғозларини кўрсатса бас.

ЮСАИД/Прагма корпорацияси лойиҳасининг матбуот хизматидан хабар беришларича, кўргазмада тижорат банклари, лизинг ва суғурта компаниялари хизматлари намойиш этилади. Тадбиркорлар Ўзбекистон консалтинг, ҳуқуқий ва баҳолаш фирмалари таклифлари билан таниша олади. Ташриф буюрувчилар учун амалий семинарлар ва хусусий бизнесни молиялаш масалалари юзасидан экспертларнинг бепул маслаҳатлари ташкил этилади.

"Прагма" корпорацияси экспертлари кўргазмага атаб маълумотнома тайёрлаб қўйишди. Унда кредит муассасалари манзиллари кўрсатилган, қарз бериш шартлари баён этилган.

***ЎзА.***

# ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТЛАРИ ЯПОНИЯДА

*Пойтахтдаги Халқаро бизнес марказида Япония ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти(ЖЕТРО)нинг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан семинар ўтказилди. Унда мамлакатимиздан Японияга озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишга доир масалалар кўриб чиқилди.*

Ваколатхона Япония инвестицияларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш билан бирга, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш каби муҳим масалаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундан ташқари, ўзбекистонлик мутахассисларнинг малакасини ошириш, келгусида уларнинг Японияда ўтказиладиган ЖЕТРОнинг ўқув дастурларидаги иштироки ҳам кўзда тутилган.

Анжуманда сўзга чиққан японлик мутахассислар Ўзбекистон озиқ-овқатлари, уларнинг сифати, турли витаминларга бойлиги ҳақида гапириб, маҳсулотларнинг япон халқига албатта манзур бўлишини таъкидлашди. Японияда озиқ-овқатларнинг кўпгина қисми мунтазам равишда чет давлатлардан келтирилади. Шунинг учун маҳсулотларнинг сифати муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатга келтириладиган маҳсулотлар бир неча маротаба текширувдан ўтказилади. Табиийки, бу маҳаллий аҳоли саломатлигини асраш борасидаги чора-тадбирлардан биридир. Икки мамлакатни ажратиб турган олти минг километрлик масофадан озиқ-овқатларни тез ва сифатли етказиш чоралари ишлаб чиқилиши билан экспорт қилиш ишлари бошлаб юборилади.

***«Туркистон-пресс».***

# СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

### *Умумий солиқ юкини оптималлаштириш ва камайтириш – давр талаби*

Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтиришга доир изчил сиёсат олиб бориш натижасида ҳар йили солиқ юкини камайтириш чоралари амалга оширилмоқда. Энг аввало, улар ишлаб чиқаришни, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, аҳолининг реал даромадларини ва истеъмол талабларини оширишга қаратилган. Шу билан бирга, солиқлар ва тўловларни бирхиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса солиққа тортиш механизмларининг ошкоралигига, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга оид корхоналар фаолиятини соддалаштиришга, шунингдек, солиқ мажбуриятларининг бажарилишини самарали назорат қилишга ёрдам беради. Айни пайтда бу ҳол республикамизда қўлланиладиган солиқ тизимини халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқлаштириш зарурати билан изоҳланади.

Агар дунё мамлакатларида қўлланиладиган солиқ юкларини изоҳловчи статистика маълумотларига мурожаат этсак, шуни кўриш мумкинки, ЯИМга нисбатан солиқ тўловлари даражаси турли давлатларда турличадир. Бу эса иқтисодий тартибга солиш даражасидаги фарқлар, юритиладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсат йўналиши, муайян мамлакатларнинг геополитик жойлашуви ва бошқа омиллар билан изоҳланади. Умуман, солиқ юки даражаси бўйича дунё мамлакатларини 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

– солиққа тортишнинг юқори даражаси – солиқлар салмоғи ЯИМнинг 40 фоизидан ортиқ (Люксембург, Франция);

– солиққа тортишнинг ўртача даражаси – солиқлар салмоғи ЯИМнинг 30 фоизидан 40 фоизигача (Дания, Швеция, Австрия, Германия, Буюк Британия);

– солиққа тортишнинг ўртачадан пастроқ даражаси – солиқлар салмоғи ЯИМнинг 30 фоизигача (Хитой, Ҳиндистон, Миср, Малайзия, Жанубий Корея).

Ўзбекистонда солиқ юки даражаси йилдан-йилга мунтазам равишда пасайиб бормоқда. Агар 1999 йилда ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 38,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб 33,6 фоизга тушди, 2003 йилда эса ЯИМнинг 31,4 фоизини ташкил этиши кутилмоқда. 2004 йилда солиққа тортиш даражасини ЯИМга нисбатан 2,5-2,8 фоизигача қисқартириш ёки 28,6 фоизига етказиш режалаштирилган.

Иқтисодиётда солиқ юки даражасининг камайтирилиши солиқларни ҳисоблаш механизмларини такомиллаштириш, фискал функцияларни қисқартириш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш билан бирга давом эттирилмоқда.

### *Юридик ва жисмоний шахслар даромадларининг (фойдасининг) солиққа тортилишини такомиллаштириш*

Республикамизда солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкини изчил камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда, биринчи навбатда, уларнинг даромадларидан ундириладиган бевосита солиқларнинг салмоғини камайтириш диққат марказида турибди. Бунинг натижасида корхона ихтиёрида қоладиган маблағлар улушининг кўпайиши эвазига унинг айланма маблағлари миқдорини кўпайтириб бориш ва оптимал даражасини сақлаш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида кўпроқ инвестиция киритиш, ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш имкони пайдо бўлади.

Совет давридаги фискал сиёсат фойданинг катта қисмини ундирилишини ва қайта тақсимланишини кўзда тутар эди. Даромад солиғининг ўта юқори ставкаларда олиниши (1990 йилда бу кўрсаткич 55 фоизни ташкил этган) шундай вазиятни вужудга келтирдики, корхоналар ўз ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашдан манфаатдор бўлмай қолди.

Айнан шу сабабли мамлакатимизда даромад солиғини камайтириш асосий мақсад қилиб олинди. Натижада, 1995 йилга келиб даромад солиғи ставкаси 38 фоизга тушди, 1999 йилда – 33 фоизга, 2003 йилдан бошлаб эса бу кўрсаткич дунёдаги энг кам даражага – 20 фоизга туширилди. Келгуси режаларда – даромад солиғини янада камайтириш мўлжалланган. Шуни қайд этиш лозимки, халқ истеъмол молларини, болалар учун мўлжалланган товарларни ишлаб чиқаришни, маҳаллий товарлар экспортини рағбатлантириш мақсадида бундай товарлар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан даромад солиғининг паст ставкаси (7 фоиздан 16 фоизгача) қўлланилади.

Ишлаб чиқарувчига нисбатан солиқ юкининг камайтирилиши даромадларнинг яширин ҳолдан чиқиб, қонунийлаштирилиши ва солиққа оид тушумларнинг муайян даражада кўпайишига олиб келади. Жумладан, 2002 йилда солиқ ставкаси 24 фоиз бўлгани ҳолда юридик шахслардан 174 миллиард сўм даромад солиғи тўпланди, бу эса бюджет умумий даромадининг 9,3 фоизини ташкил этди. Жорий йилда эса даромад солиғи ставкаси 20 фоиз деб белгиланганi ҳолда бюджетга 198 миллиард сўм маблағ келиб тушиши ёки умумий даромаднинг 10,5 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

Тушумларнинг ҳажми бўйича иккинчи ўринда турадиган жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқни қисқартириш юзасидан амалга оширилаётган чоралар аҳоли даромадларининг реал даражасини ошириш ва тегишли равишда иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили бўлган тўловга лаёқатлилигини кучайтиришга йўналтирилган.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг самарали тизимини яратишга оид вазифаларнинг аҳамияти мазкур тизимнинг ижтимоий масалаларга дахлдорлиги, аҳоли турмуш даражасига кўрсатадиган таъсири билан боғлиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда даромад солиғининг қўлланиладиган шкаласи мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда 1998-1999 йилларда ушбу солиқнинг максимал ставкаси 45 фоиз бўлган 5 даражали шкала қўлланилган бўлса, 2000 йилда – максимал ставкаси 40 фоиз бўлган 4 даражали шкала жорий этилди, 2001 йилда эса даромад солиғини ҳисоблашнинг уч шкалали тизимига ўтилди. Бунда 2003 йилда аҳоли даромадларини солиққа тортиш шкаласининг кенгайтирилиши ва шу аснода оралиқ ставканинг (2001 йилдаги 25 фоиздан 2003 йилда 23 фоизгача), максимал ставканинг қисқариши (36 фоиздан 31 фоизгача) ЯИМга нисбатан ушбу солиқ бўйича тушумларнинг камайишини келтириб чиқармади (2000-2003 йилларда ушбу солиқнинг ЯИМга нисбатан салмоғи ўрта ҳисобда 3,2 фоизни ташкил этмоқда).

Ҳозирги пайтда Президентимиз Ислом Каримов томонидан қўйилган жисмоний шахслар даромадларининг солиққа тортилишини такомиллаштириш бўйича устувор йўналиш сифатида белгиланган солиқ ставкаларини камайтириш ва аҳоли даромадларини солиққа тортишнинг уч босқичли тизимидан икки босқичли тизимига аста-секин ўтиш концепциясини давом эттириш вазифаси турибди.

Умуман, бевосита солиқлар бўйича солиқ юкини изчил камайтириш сиёсатининг самарадорлигини ЯИМга нисбатан улар тушумининг барқарор камайиши тенденцияси ҳам исботлайди. Агар 1999 йилда бевосита солиқлар бўйича бюджет даромадлари ЯИМга нисбатан 8,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилда уларнинг 6,8 фоизгача камайиши кутилмоқда.

### *Билвосита солиққа тортиш самарадорлиги – бюджет даромадларини шакллантиришнинг барқарорлиги гарови*

Солиқ тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда устувор аҳамият билвосита солиққа тортишга қаратилган. Бунинг сабаби шундаки, билвосита солиқлар товарлар, ишлар ва хизматларга нисбатан қўшимча тусга эга бўлгани ҳолда, пировард натижада ишлаб чиқарувчининг молиявий ҳолатига тўғридан тўғри таъсир кўрсатмайди ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилмайди.

Бундан ташқари, бевосита солиқлар бўйича солиқ юклари камайган бир шароитда бюджетнинг даромад қисми барқарорлигини таъминлашда билвосита солиққа тортишнинг аҳамияти янада ортади. Рақамларда ифодаланганда бу шуни англатадики, яқин йиллар давомида давлат бюджети таркибида билвосита солиқлар улушининг ортиши тенденцияси давом этади. Хусусан, 1999 йилда бу рақам 53,9 фоизга тенг бўлган ҳолда 2002 йилда ушбу нисбат 54,6 фоизни ташкил этди (2003 йилда 59,2 фоизга етиши кутилмоқда). ЯИМга нисбатан барча солиқлар камайган бир пайтда билвосита солиқлар улуши 13-14 фоизни ташкил этмоқда.

Билвосита солиқлар таркибида акциз солиқлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бюджет даромадларининг деярли учдан бир қисмини ташкил этади. Шуни қайд этиш лозимки, асосан кундалик эҳтиёж моллари тоифасига кирмайдиган маҳсулотларгина акциз солиғига тортилади.

Энг аввало, бу алкогол, тамаки ва нефт маҳсулотлари, заргарлик ва бошқа моллардир. Акцизлар тизими бюджетни тўлдиришга оид фискал вазифалар билан бир қаторда саломатлик учун зарарли бўлган маҳсулотлар ва товарлар истеъмолини камайтиришга хизмат кўрсатади.

### *Ресурс солиқларининг катта салоҳияти*

Ресурс солиқлари ер, сув ва бошқа табиий бойликлардан самарали фойдаланишни таъминловчи амалий восита бўлгани ҳолда бозор иқтисодиётида табиий ресурслардан фойдаланиш ва келажак авлодлар учун сақлаш борасида муҳим роль ўйнайди. Солиқларнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, ресурс солиқлари ўзига хос хусусиятларга эга: ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра улар рента тўловидир. Бошқача айтганда, бу қайта тикланмайдиган табиий, ер ва сув захираларидан фойдаланганлик учун ўзига хос тўлов бўлиб, у хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг натижалари билан боғлиқ эмас. Демак, ресурс тўловлари тизими турли шароитларда жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлашга, табиий бойликларга нисбатан оқилона муносабатни рағбатлантиришга, уларнинг талон-тарож қилинишига йўл қўймасликка қаратилган.

Айнан шу сабабли, келгусида бюджет даромадларини шакллантиришда ресурс солиқлари янада муҳим ўрин тутиши белгиланган. Ваҳоланки, ҳозир улар давлат бюджети даромадларининг сезиларли бўлмаган қисмини ташкил этади (2002 йилдаги ЯИМга нисбатан 1,9 фоизни ташкил этиши ва 2003 йилда 2,2 фоизга етиши кутилмоқда).

Асосий ресурс солиқларидан бири ер солиғидир. Ерга нисбатан солиққа тортиш объекти сифатида ер майдонининг сатҳи барқарор кўрсаткич сифатида қўлланилади. Шу сабабли бозор конъюктурасининг, хўжалик фаолияти шароитининг ўзгариши ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши солиқ тушумлари суммасининг мутаносиб тарзда қисқаришига олиб келмайди. Ишлаб чиқариш кўламлари ва ҳажмларига бевосита боғлиқ эмаслиги унинг батартиб қўлланилишини таъминлайди.

Амалдаги солиқ тизимида ер солиғи ставкалари фойдаланиладиган ер ресурсларининг иқтисодий аҳамиятини тўлиқ қамраб олмаган эди. Улар мазкур ер майдонида қандай маҳсулот – пахта, дон ёки мева-сабзовот етиштирилишидан қатъи назар кўпинча тенг бўлади. Ҳолбуки, маҳсулот турларидан олинадиган фойдада катта фарқ мавжуд. Ер солиғи қанчалик самарали ва адолатли эканлиги кўп жиҳатдан ана шу солиқни тўловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини белгилайди. Шу сабабли, келгусида ставкаларни белгилаш механизми шундай ўзгартириладики, ер солиғини ҳисоблаб чиқишда ер майдонининг жойлашуви, сифати, етиштириладиган маҳсулот тури эътиборга олинади. Бошқача айтганда, ердан олинадиган амалий фойда кўзда тутилади. Бу иш ер қийматини иқтисодий баҳосидан келиб чиққан ҳолда ставкаларини белгилаш йўли билан амалга оширилади.

**Бозор иқтисодиёти шароитидаги яна бир муҳим ресурс солиғи – ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқдир. Республикамиз қонунчилигига асосан ер ости бойликлари умумдавлат мулки ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги корхоналар эса фақат ер ости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳуқуқига эгадир. Демак, табиий бойликларни оқилона тарзда қазиб олиш давлат, бутун жамият ва келгуси авлодлар манфаатларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши керак.**

Ер ости бойликларидан фойдаланганлиги учун тўланадиган солиқ ҳам айнан шу мақсадларни кўзлайди. У нафақат қазиб олувчи соҳалар корхоналари рента даромадларининг бир қисмининг давлат томонидан ундирилиши орқали фискал вазифаларни бажаради, айни пайтда табиий бойликларга нисбатан эҳтиёткорона ва оқилона муносабатни ҳам таъминлайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг қазиб олинадиган хомашё турлари бўйича табақалаштирилган ставкалари белгиланган. Табиий бойликларни қазиб олиш пайтида рента даромадларини янада самарали ва адолатли солиққа тортилишини таъминлаш мақсадида конларнинг жойлашган ўрни ва қазиб олиш шароитларига кўра ставкаларнинг белгиланиши амалга оширилмоқда.

Энг ёмон шароитли конлар бўйича минимал ҳамда энг яхши шароитларга эга конлар учун максимал ставкаларнинг белгиланиши орқали энг яхши шароитдаги кон қазиб олувчиларнинг юқори даромади ҳисобидан солиқ олиш ва уни бюджет орқали тақсимлаш йўли билан республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига йўналтирилади. Ўз навбатида, фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг табиий ноқулай шароитда ишлайдиган конлар давлат томонидан қўшимча тарзда қўллаб-қувватланади. Уларга нисбатан камайтирилган ставкаларнинг жорий этилиши туфайли бундай корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва замонавийлаштиришга қўшимча маблағлар йўналтириш имконига эга бўлади.

Шу тарзда ресурс солиқлари соф фискал вазифаларни бажариш билан бирга табиий бойликлардан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлайди.

Ресурс солиқлари қаторига ҳақли равишда мулк солиғини ҳам киритиш мумкин. Чунки у асосий фондлар шаклида ресурсларга "боғланган".

Мулк солиғи орқали асосий фондлардан самарали фойдаланиш рағбатлантирилади. Хусусан, балансдаги барча мулк бўйича солиқ тўлаш зарурати тадбиркорни иқтисодий жиҳатдан асосий фондларга нисбатан мослашувчан сиёсат юритишга "мажбур" қилади ва зарур ҳолларда ишлаб чиқариш учун зарур бўлмаган бинолар, машиналар ва жиҳозлардан воз кечишга ундайди. Бу эса нафақат ишлаб чиқариш воситалари бозорини шакллантиришга кўмаклашади, балки ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархининг арзонлашувига ҳам таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, муайян даражада мулк солиғини ундириш орқали солиққа тортишнинг адолатлилиги таъминланади. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар даромадларининг бир қисми муайян сабабга кўра даромад солиғига тортилмай қолса, моддий бойликка айлангач, мулк солиғига тортилади.

Маҳаллий солиқ сифатида ҳамда солиққа тортишнинг нисбатан барқарор базасига эга бўлгани туфайли мулк солиғи маҳаллий бюджетларни молиялашнинг барқарор манбаларидан бири ҳисобланади.

Мулк солиғи келгусида ҳам маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг муҳим манбаи ва корхоналар томонидан давлат саноат сиёсатининг таркибий қисмларидан самарали фойдаланишни таъминловчи амалий восита бўлиб қолаверади.

### *Солиқ тизимининг соддалиги ва тушунарлилиги – узоқ муддатли самарадорликнинг гарови*

Солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири солиқ тизимини тартибга солиш, солиқ турларини камайтириш, ҳисоб-китоб механизмни соддалаштириш ва улар бўйича тўлов даврийлигини камайтириш ҳисобланади. Солиқ сони қанчалик кам бўлса, улар шунчалик содда бўлади ва демак, тадбиркорлар ва аҳолига шунча кўп қулайлик яратилади.

Амалдаги солиқларни оптималлаштириш борасидаги дастлабки қадам Солиқ кодексида солиқларнинг давлат ва маҳаллий солиқларга бўлиниши билан боғлиқ. Ўша пайтда қатор самарасиз ва бир-бирини такрорловчи солиқлар, яъни геология-қидирув ишларига чегирмалар (ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқни такрорлайди), олиб чиқиб кетиш солиғи (қўшимча қиймат солиғини такрорлайди), ўрмон солиғи, турли йиғимлар бекор қилинган эди. 2001 йилдан бошлаб кам самарали солиқ ва йиғимлардан воз кечиш сиёсати давом эттирилди: реклама солиғи, транспорт воситаларини қайта сотиш солиғи, сотилмаган маҳсулотлар учун меъёридан юқори қолдиқлар учун тўлов, чиқиндилар учун тўлов, атроф-муҳитга зарарли чиқиндиларнинг чиқарилиши учун тўловлар бекор қилинди.

Натижада, 1998 йилда, Солиқ кодекси кучга киргунча, солиқ ва тўловларнинг 24 та тури амал қилган бўлса, 2003 йилга келиб уларнинг сони 13 тага тушди. Бошқача айтганда, солиқ ислоҳоти жараёнида сўнгги беш йил давомида амал қилаётган солиқ ва тўловларнинг умумий сони деярли 2 баравар қисқарди.

Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, алоҳида олинган корхона солиқларнинг барча турларини тўламайди. Амалда, умумбелгиланган солиқларни тўловчи ишлаб чиқариш корхонаси ҳозирги кунда беш турда солиқ тўлайди – бу даромад солиғи, ҚҚС, мулк солиғи, ер солиғи ва экология солиқларидир.

Кичик бизнес, савдо ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилмоқда. Булар микрофирмалар ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ, ягона ер солиғи, савдо корхоналарининг ялпи даромад солиғидир.

Шуни қайд қилиш лозимки, дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг ёйилган солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифалар учун махсус солиққа тортиш усулини қўллаш амалиёти республикамиз шароитига муваффақиятли татбиқ этилди. Хусусан, кичик корхоналар учун ягона солиқнинг жорий этилиши кўзланган натижани берди: кичик тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг хусусий сектори даромадларини қонунийлаштириш ва аҳоли ўртасида тадбиркорлик фаоллигини кучайтиришга эришилди. Буни ягона солиқ бўйича тушумлар ҳам исботлайди: кичик корхоналар бўйича ягона солиқ амал қилган уч йиллик муддатда тушумлар ҳажми қарийб 3 маротаба ортди.

Кичик корхоналарнинг интенсив ривожланиши учун қулай шароит яратиш, мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор улушининг ўсиши, аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш борасидаги муҳим қадамлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги Фармони бўлди. Мазкур Фармонга кўра кичик корхона тоифасига кирувчи муассасаларнинг ишлаб чиқариш ходимларининг йиллик ўртача сони саноатда 40 нафардан 100 нафаргача, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда 20 нафардан 50 нафаргача, бошқа соҳаларда 10 нафардан 25 нафаргача кўпайтирилди.

Бундай янгилик ўрта корхоналарнинг кўпчилигига солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтиш имконини беради. Бунда солиққа тортиш даражаси умумбелгиланган солиққа тортиш тизимига қараганда икки баравар кам миқдорни ташкил этади.

Бундан ташқари, соддалаштирилган солиқ тизимини ишлаб чиқишда нафақат уларнинг сонини қисқартириш, балки солиқ тўлаш муддатини ва улар бўйича ҳисоб-китобларни оптималлаштириш ҳам кўзда тутилган. Жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналар энди чорак давомида бир марта ягона солиқ тўласа, ягона ер солиғи эса (қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда) бир йилда уч марта тўланади. Умумбелгиланган солиқлар, хусусан даромад (фойда) солиғи ва ҚҚС (илгари ойига 2-3 маротаба тўланар эди) бўйича ойига бир маротаба тўланиши жорий этилди. Солиқ тўлаш муддатининг камайтирилиши солиқ тўловчилар айланма маблағларини ўзларида сақлаб қолишга ва уларни солиқ тўлашга кам жалб этилишига олиб келади. Бу эса, иқтисодий нуқтаи назардан, солиқ миқдоридан кўра муҳимроқ омилдир.

Амалда барча солиқлар бўйича ҳисоблаш механизмлари халқаро андозалар ва меъёрларга мослаштирилган. Хусусан, 1998 йилдан бошлаб ҚҚС нинг ягона ставкаси жорий этилиши солиққа тортиладиган базани белгилаш ҳисобини ва ҳисоб-китобини соддалаштирди. Счёт-фактуралар тизимининг жорий этилиши эса ушбу солиқнинг бошқарилишини автоматлаштирди. Мулк солиғи бўйича бирламчи қийматни солиққа тортишдан қолдиқ қийматга ўтилди.

### *Давлат харажатларини оптималлаштириш – солиқ юкини камайтиришнинг муҳим захираси*

Солиқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, биринчи босқичда солиқ юкини камайтиришга эътибор қаратиш бюджет даромадларининг камайишига олиб келади. Солиқ тушумларининг қисман тикланиши иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашуви ҳамда корхоналар ва аҳоли томонидан даромадларнинг яширин ҳолатдан чиқарилиб, қонунийлаштирилиши натижасида юз беради.

Солиқ сиёсати чораларини ишлаб чиқишда энг муҳим вазифалардан бири давлат харажатларининг ўз вақтида ва мўлжалланган ҳажмда молияланиши учун солиқ тушумларининг етарлилиги ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, солиқ юкини камайтириш борасидаги сиёсатни бюджетнинг харажатлар қисмини оптималлаштириш чоралари билан қўшиб олиб борилишини тақозо этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда республикамиз раҳбариятининг давлат харажатлари борасидаги сиёсати харажатлар суръатини бюджет тақчиллигини келтириб чиқармайдиган ҳолда ўстириш зарурлигига таянади. Бундай сиёсат натижасида ЯИМга нисбатан бюджет харажатларини 1999 йилдаги ЯИМ даражасига нисбатан 30,7 фоиздан 2003 йилда ЯИМнинг 24,3 фоизигача қисқартиришга эришилди. Сўнгги йиллар давомида республиканинг жамланма бюджети тақчиллигини ЯИМга нисбатан 0,7-1 фоиз даражасида сақланиши таъминламоқда.

Бунда, ҳар йили бюджет харажатлари самарадорлигини оширган ҳолда, уларни қисқартириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, бошқарув ходимлари учун сарфланадиган бюджет маблағларини қисқартиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Агар 1999 йилда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари учун харажатлар ЯИМга нисбатан 0,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб ЯИМга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этиши мўлжалланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари ва истиқболдаги ислоҳотларнинг устуворликларини муҳокама этишга бағишланган йиғилишидаги нутқида таъкидлаганидек, бошқарув аппаратига сарфланадиган бюджет ва хўжалик харажатларининг қисқариши бюджет харажатларини қисқартиришнинг резерви, демак, корхоналар ва аҳоли зиммасидаги солиқ юкини камайтириш резервидир, деган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш асосида чуқур ўйлаб, оқилона қабул қилинган қарорлар туради. Улар, бир томондан, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини жиддий камайтиришга, иккинчи томондан, барча даражадаги бюджет даромадларини ва бюджетдан ташқари фондларнинг барқарор асосини сақлашни таъминлашга қаратилган.

Бунда тадбиркорлик субъектими, жисмоний шахсми – ҳар бир солиқ тўловчи нима учун солиқ тўлаётганини яққол тасаввур этишига эришиш назарда тутилган. Энг муҳими – солиқларнинг алал-оқибат мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига йўналтирилиши, яъни солиқ тўловчининг ўзига ижтимоий тўловлар, стипендиялар, таълим ва тиббий хизматлар, тараққий этган инфратузилмалар ва бошқа неъматлар шаклида фойда келтиришини чуқур англаб олиши жуда муҳимдир.

***Туробжон ЖЎРАЕВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари.***
***(ЎзА).***

## Асосий Қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ




*97-модда. Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.*

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасидир.

Сенат аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва депутатларнинг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Сенат иши ялпи мажлисларга ва унинг қўмиталари мажлисларига тўпланадиган сенаторлар фаолиятига асосланади.

Сенатда ҳудудий мансубликка кўра ҳамда сиёсий ёки бошқа асосда гуруҳлар тузишга йўл қўйилмайди. Сенатни шакллантириш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сенат аъзоси бўлиши мумкин. Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида сенат аъзоси ва қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин эмас. Сенат аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У сенатнинг розилигисиз, сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса, сенат кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Сенат аъзосига унинг сенаторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар белгиланган тартибда қопланади. Сенат аъзосининг ваколатлари қонунда назарда тутилган ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

Сенат аъзолари сенатда доимий асосда ишлашлари мумкин. Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторларнинг сони сенаторлар умумий сонининг тўртдан биригача бўлган миқдорда белгиланади. Улар сенаторлик ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас. Сенат аъзосининг мақоми Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ваколат муддати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан тақдирда умрбод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасининг аъзоси лавозимини эгаллайди. Ана шундагина собиқ Президент давлатни бошқариш соҳасида катта билим ва юксак тажрибага эга бўлган шахснинг мавжуд имкониятларидан халқ манфаатлари йўлида фойдаланиши мумкин бўлади.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.***

## «Тошкент ҳақиқати»га ёзадилар

## МАЪРИФАТ ИНСОН ЙЎЛДОШИ БЎЛСА...

*Ҳар сафар кутубхонамиз тарихига хаёлан сайр этар эканман, «Турон» кутубхонаси қадимги зиё масканлариданлигини ич-ичимдан ҳис этаман. Бу даргоҳда Абдулла Қодирийдан тортиб Беҳбудий, Чўлпон ва эрк деб жонини таҳликага қўйган, бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмаган бошқа улуғ зотларнинг муқаддас излари бор. Уларнинг илму маърифатга бўлган ихлоси ва эътиқодлари ўша давр кишиларини эрк ва ҳуррият сари бошлаган машъала бўлиб хизмат қилган.*

Ана шундай мулоҳазаларни ўйлайману, бугунги ёшлар учун ҳам бу каби сиймолар йўл бошловчи юлдуз бўлиши мумкинлигини, улардаги бор фазилатларни олиш ёшларни фақат ва фақат эзгуликка чорлашига амин бўламан.

Бугун аксарият ёшлар, турли хилдаги кинолар кўриш, компьютер ўйинларни ўйнаш ва ҳоказоларга ружу қўймоқдалар. Тўғри, киши учун балки бу ҳам керакдир. Аммо, инсон маънавияти ва одоб-ахлоқини белгилашда китоблар, газета-журналларга тенг келадигани бўлмаса керак.

Кутубхоналарда кўпроқ ўқув юртлари талабаларию, маърифатпарвар кишиларнигина учратасиз. Ваҳоланки, бошқа соҳалар каби, бизнинг хизматимиз ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Биргина «Турон» кутубхонасининг ўзида интернетдан тортиб, электрон почта, компьютер техникаларигача мавжуд. Тўғри, тармоқ кутубхоналарда бу имкониятлар етарли бўлмаслиги мумкин. Аммо, хоҳлаган адабиётни топиб бериш мумкин. Агар ўзимизда бўлмаган тақдирда ҳам республика кутубхоналари бу йўлда биз билан ҳамкор. Аммо, ўқувчиларни кутубхоналарга жалб этиш учун фақат бизнинг саъй-ҳаракатларимиз камлик қилади. Бунда маҳалла, мактаб, жамоат ташкилотлари, қолаверса, ота-оналар камарбаста бўлишлари керак. Зеро, фарзанди жамият учун ардоқли, нуфузли шахс бўлиб улғайишини истаган ҳар бир одам уни китобларга ошно қилмоғи даркор. Маърифат излаган кимсадан эса, ҳеч қачон ёмон инсон чиққан эмас, чиқмайди ҳам.

***Вазира СОБИРОВА,***
***вилоят «Турон» илмий-универсал кутубхонаси раҳбари.***

## МАТБУОТ — ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

«Тошкент ҳақиқати» газетасини оиламиз билан севиб ўқиймиз. Ундаги қатор рукнлар остида эълон қилинаётган мақолалар киши эътиборини тортмай қолмайди. Хусусан, «Турмуш чорраҳаларида», «Буни ҳаёт дейдилар», «Ибратнома» рукнли, ҳаётий ибратомуз мақолалар биргина биз эмас, балки барча ўқувчиларга манзур бўлаётган бўлса, ажабмас. Шунингдек, иқтисодий мавзудаги «Кичик ва ўрта бизнес — иқтисодиётимиз келажаги» рукни остида бериладиган мақолалар ҳам вилоятимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг бугунги муаммолари, ютуқ ва камчиликларини ўзида акс эттиради.

Хуллас, газета саҳифаларида муҳим мавзулар мунтазам ёритиб борилади.

Бундан буён ҳам таҳририят ижодкорлари жамиятимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни тезкор ёритиб бориши лозим. Айниқса, газетада «Обод маҳалла йили» муносабати билан халқ ҳаётидаги муаммолар ҳақида мунтазам қизиқарли, ўқимишли мақолалар эълон қилинса, кўнгилдагидек иш бўлади.

Зеро, матбуот – жамият кўзгуси дейишади. Унда ёритилган турли мавзулар аҳоли тафаккурини ижобий изга солишда алоҳида мазмун касб этади, деб ўйлаймиз.

***Ҳамидбек СУЛТОНОВ,***
***Пскент тумани.***

## ҚЎЛЛАРИ ЕНГИЛ ЭКАН

Вилоят клиник шифохонасида яқинда нейротравматология бўлими ташкил этилди. Унда ҳозирги кунда кўплаб беморлар даволаняптилар.

— Ёшим 44 да, — деди шу ерда муолажа олаётган Риҳси Усмонова, — Оҳангарон туманининг «Шовғаз» қишлоғиданман. Умуртқамдаги тўртинчи ва бешинчи суяк оралиғида грижа бор эди. «Нейротравматология» бўлими мудири, жарроҳ Руслан ака Турдиниёзов уни олиб ташлаб, қаддимни ростлашга имкон берди.

Ҳамдам Тожиев шундай деди:

— Мен чап кўзимнинг мия томирлари шамоллашидан озор чекар эдим. Кўриш даражасининг пасайиш хавфи бор эди. Тажрибали жарроҳ Ражаб ака Холбоев операция қилди. Қолаверса, ҳамширалар Зубаржот Эрназарова, Шарофат Эгамназаровалар кўмагида саломатлигимни тез тиклаб олдим.

Бўлимда мураккаб операциялар амалга оширилади. Демак, масъулият юки шифокорларда кучли. Бу ўринда бўлим жарроҳлари Руслан Турдиниёзов, Раҳмон Қодиров, Дилшод Хўжаев, Ражаб Ҳолбоевларнинг меҳнати, айниқса, самарали эканлигини алоҳида эслатиб, уларга астойдил ташаккур билдирмоқчиман. Менинг бу сўзларимга бирга даволанаётган қатор беморлар ҳам қўшилишади.

***Акмал АБДИЕВ.***

## Янги дарсликлар

## АДАДИ ЕТАРЛИМИ?

*Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан кейинги вақтларда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун жаҳон андозаларига мос кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди ва нашр қилинди.*

«Умумий деҳқончилик ва мелиорация асослари» дарслиги («Ўзинкомцентр» нашриёти, 2002 йил) ҳам ушбу йўналиш учун янги қабул қилинган дастур асосида тайёрланган. Унда республика қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, мавжуд ер ва сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўлғуси мутахассис учун тушунарли баён этилган.

Янги қўлланмани ижобий баҳолаш билан бир қаторда қуйидагиларни таклиф сифатида кўрсатиб ўтиш жоиз: фан учун ўқув режасида 90 соат (назарий 70 соат ва амалий тажриба машғулотлари 20 соат) ажратилган бўлса-да, дарслик 183 бет ҳажмида берилган, яъни ҳар бир соат машғулот учун икки бет ажратилган, холос. Дарсликни қайта чоп этиш жараёнида унинг ҳажмини бироз бўлса-да кенгайтириш, мустақил ўрганиш учун алоҳида мавзулар киритилса ва адади кўпайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

***Рўзмат АНАРМЕТОВ,***
***Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежи директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.***



Дефолиация — ҳосил тақдирини ҳал қилувчи энг муҳим агротехник тадбирлардан бири. Уни бошлашда шошма-шошарликка йўл қўйиш, айниқса, зарарлидир. Шу боис мавжуд кўсакларнинг камида 60 фоизи очилганда дефолиацияни бошлаш энг мақбул муддат ҳисобланади.

Ҳозир вилоят пахтазорларида майдонларни танлаб дефолиация қилиш бошлаб юборилди. Жумладан, Чиноз туманидаги «Гулзоробод» ширкат хўжалигида бу муҳим тадбирни сифатли бажаришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тажрибали пахтакор Гамлет Йўлдошев бош пудратчилик қилаётган далаларда бу муҳим агротехник тадбир жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу йил у бошлиқ 30 нафарга яқин оилавий пудратчи 57 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиб, давлатга 171 тонна пахта хом ашёси сотишни кўзламоқда.

***СУРАТЛАРДА:*** *Гамлет Йўлдошев (чапда) механизатор Ҳикмат Юнусов билан дори сепган майдонни кўздан кечиришмоқда; дефолиация пайти.*

***Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.***

# Танлов давом этмоқда

*Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими ташаббуси билан бошланган "Севимли шаҳрим" тадбири бугунги пойтахтимиздаги барча мактаблар, ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларию маҳаллаларда қизғин давом этмоқда.*

Ушбу тадбир доирасида ўтаётган "Пойтахт бизнинг нигоҳимизда" фототанловига "Қўҳна Тошкент", "Миллий қадриятлар", "Истиқлол нашидалари" каби йўналишлардаги ижодий ишлар қабул қилиняпти. "Тошкент — гуллар шаҳри" танловига кўрик иштирокчиларининг ўзлари яратган гулзор ва манзарали ўсимликлар фотосуратлари, видеотасмалари юборилмоқда. "Дилимдасан, пойтахтим!" ижрочилар кўрик-танловига профессионаллар билан бирга ҳаваскорлар ҳам қўшиқлар тақдим этмоқда.

Танлов ғолиблари умумхалқ байрамимиз — Конституция куни арафасида эълон қилинади.

***ЎзА.***

## УСТАЗОДА УСТА БЎЛДИ

*Аждодларимиз ҳунармандчилик санъатлари билан дунё халқларини лол қолдирган. Ушбу анъана асрлар давомида ўз гўзаллигию сеҳрини йўқотмасдан, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб келмоқда.*

Бўстонлиқ туманида ҳам кўплаб оилавий ҳунармандларни учратиш мумкин. Улардан бири Ғазалкент шаҳрида яшовчи уста Анвар Мўминовдир.

Дурадгорлик унинг учун ота касб. Зеро, отаси Нишонбой Мўминов ўз даврининг машҳур устаси бўлган. Устазоданинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаганига эса, тўрт йил тўлди. Шу вақт давомида у фақат ўзи чизган чизмалар асосида ҳунармандлик асарларини яратди. Уларга янгилик киритишга ҳаракат қилди.

Анвар уста ҳар йили ўтадиган кўрик-танловларда қатнашиб келади. Хусусан, 2002 йил туман тадбиркорлари ўртасидаги танловда биринчи, «Ташаббус — 2003» кўрик-танловида эса, иккинчи ўринни қўлга киритди.

Ҳунарманд ясаган жиҳозларнинг кўпчилиги миллий нақш ва тимсоллар билан уйғунлашиб кетган. Масалан, ўзи ишлаган трюмо гўё оппоқ пахтани эслатади. Ҳозир Анвар Мўминов фарзандларига ҳам севган касбининг сир-синоатларини ўргатиб келмоқда.

***Муяссар ФАЙЗИЕВА.***


# Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиалида

**2003 йил 3 сентябрь куни ўтказилган кимошди савдосида Паркент туманида жойлашган 1 та ер майдони 120000 сўмга, Қибрай туманида жойлашган 1 та ер майдони 900000 сўмга, 1 та «Нексия» русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси 1600000 сўмга сотилди.**

**2003 йил 10 сентябрь куни ўтказилган кимошди савдосида Қуйичирчиқ туманида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган жами 5 та ер майдони 381000 сўмга, Қибрай туманида жойлашган сатҳи 600 кв.м. бўлган 1 та ер майдони 650000 сўмга, Бекобод туманида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган жами 72 та ер майдони 4940000 сўмга сотилди.**

**2003 йил 3, 5 сентябрь кунлари ўтказилган биржа савдосида Қибрай ва Юқоричирчиқ туманлари ҳудудида жойлашган 10 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами 2290000 сўмга, Юқоричирчиқ, Оҳангарон туманлари ва Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари ҳудудида жойлашган 11 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 45036000 сўмга сотилди.**

**2003 йил 8, 10, 12 сентябрь кунлари ўтказилган биржа савдосида Қибрай ва Юқоричирчиқ туманлари ҳудудида жойлашган 10 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами 3755000 сўмга, Юқоричирчиқ, Қибрай, Тошкент тумвнлари ва Оҳангарон, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари ҳудудида жойлашган 12 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 17965200 сўмга, Бўстонлиқ туманида жойлашган 1 та давлат қурилиши тугалланмаган дам олиш оромгоҳи 29621400 сўмга сотилди.**

**2003 йил 15, 17, 19 сентябрь кунлари ўтказилган биржа савдосида Қибрай ва Юқоричирчиқ туманлари ҳудудида жойлашган 23 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами 5280000 сўмга, Қибрай, Тошкент туманлари ва Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарлари ҳудудида жойлашган 6 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 8840000 сўмга сотилди.**

**ДИҚҚАТ!** 2003 йил 22 август куни бўлиб ўтган кимошди савдосида сотилган Паркент тумани, «Гулбоғ» ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган, 8 та ер майдонининг савдо натижаси бекор қилинди ва 2003 йил 8 октябрь кунидан бошлаб қайтадан кимошди савдосига чиқарилади. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 73920 сўм.

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2003 йил 29 октябрь, 5, 12, 19, 26 ноябрь, 3, 10, 17, 24, 31 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.

### Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Пскент тумани ҳокимлиги томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Пскент тумани, Аҳмад Дўстбеков ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,06 га бўлган 5 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 52800 сўм.**

2. Пскент тумани ҳокимлиги томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Пскент тумани Аҳмад Дўстбеков ширкат хўжалигида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 4 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 35200 сўм.**

3. Бекобод шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Бекобод шаҳар, Йўлдош маҳалласи ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 8 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 38720 сўм.**

4. Тошкент вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига қарашли, «Тико» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 91-11 ТНД бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 1264600 сўм.**

5. Тошкент вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига қарашли «УАЗ-31512-10» русумли 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75-50 ТНД бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 815700 сўм.**

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли «ВАЗ-2108» русумли 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 43-36 ТНБ бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 589300 сўм.**

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли «ВАЗ-21061» русумли 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 68-53 ТНБ бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 411600 сўм.**

Ер майдонларига ариза қабул қилиш кимошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

**Эслатма:** сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки давлат ордерини олиш учун мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiylashtirishga ko'maklashish ko'nsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

**Бизнинг манзил:**
**Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй. Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.**
**Мурожаат учун телефонлар:**
**133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.**



**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2003 йил 28 июлдаги 121-сонли буйруғи билан ташкил этилган**
**«Чирчиқ-Оҳангарон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси,**
**Тошкент Магистрал канали, «Бўзсув», «Паркент-Қорасув», «Оҳангарон-Далварзин» ирригация тизимлари ва Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармалари бўлим бошлиқлари лавозимларига танлов эълон қилади.**
**Танловда қатнашувчи номзодлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: меҳнат фаолияти тўғрисида маълумотнома, таржимаи ҳол, маълумоти ва илмий даражасини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.**
**Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 5 кун.**


## Тадбир

# ЧИНОЗДА ГУРУНГ

*Чиноз туманидаги Ислоҳот қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган давра суҳбати оилада хотин-қизларга нисбатан муомала, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишланди. Унда ички ишлар, адлия, соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарлари, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари иштирок этишди.*

— Шу йилнинг май ойида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг аёлларга нисбатан гендер ҳиссиётини ошириш лойиҳаси асосида фаоллар ўқувини ташкил этган эдик, — деди туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ҳабиба Шерова. — Унда олинган билимлар фаолларимизнинг амалий фаолиятига сезиларли ижобий таъсир кўрсатди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Саитқул Йўлдошев, «Қозимаҳалла» тарбиячи-педагоги Раъно Холиқова, Ислоҳот қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Ирисимбетов, туман имом хатиби Хайруллахон Хафизов, Дўстлик маҳалла қўмитасининг раиси Гулнора Пардабоевалар хотин-қизларнинг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш, ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, оилада тарбиявий ишларни кучайтириш хусусида фойдали мулоҳазалар билдиришди.

***Зулхумор ЖЎРАЕВА.***

# «ФОНТАТИОН» ҲИММАТИ

*Жанубий Кореянинг «Фонтатион» компанияси маъмурияти Оҳангарондаги «Саҳоват» кексалар уйида хайрия тадбири уюштирди.*

Компания президенти Хонг Рональд бошчилигидаги ходимлар бу ерда меҳрга муҳтож отахон-онахонларнинг яшаш шароитлари билан танишдилар. Уларга дори-дармонлар, кийим-кечаклар, гуллар ва ширинликлар тақдим этиб, концерт қўйиб берилди. Саховатпешалар томонидан катта дастурхон ёзилди ва ош тортилди. Кексалар бундай эҳтиром ва ҳиммат учун меҳмонларга миннатдорчилик билдирдилар.

***Муқаддас АЛИЕВА.***

Яхшидан боғ қолади

# СИДДИҚ ОТА ЯРАТГАН БЎСТОН

*Яхши инсонлар номларини авлоддан авлодга олиб ўтувчи, мангуликка дахлдор этувчи воситалардан бири боғлар эканлиги тарихдан маълум. Яхши ният билан яратилган ва мудом парвариш кўрган боғ ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмас экан. Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ қишлоғидаги Сидқий Хондайлиқий боғи бу фикримизга тўла исбот бўла олади. Салкам беш гектар майдонни эгаллаган боғнинг жуда узоқ ва ғалати тарихи бор. Дастлаб авлиёлар макон қурган дейишади бу жойда. Шунинг учун уни қадимда «Авлиёбоғ» деб атаганлар. Боғнинг бизга маълум бўлган ҳақиқий эгаси эса Сиддиқ ота исмли авлиёсифат бир инсон эди. Юз йилдан зиёд вақт ўтиб кетган бўлса-да, Сиддиқ бувадан мерос сифатида ноёб мевали дарахтлар ҳанuз гуркираб ўсиб турибди.*

Сиддиқ отанинг бу даргоҳига хондайлиқлик машҳур адиб Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий тез-тез меҳмон бўлиб, боғ ривожига ўз ҳиссасини қўшган. Адиб ўлмас асарлар яратиш билан бирга бошқа соҳаларда ҳам ўта қобилиятли, чапдаст инсон бўлганлиги маълум. Хусусан, пайвандлашнинг турли услубларидан фойдаланиш, янги навлар яратиш бобида Сидқий Хондайлиқийга тенг келадиганлар кам бўлган дейишади. Бутун борлиғи билан она табиатни севган адиб ўн тўққиз ёшга тўлгунга қадар ўз она қишлоғида умргузаронлик қилган. Беғубор болалик ва ўспиринлик чоғларида у авлиёбоғдаги мўъжизавий хилватлар, айниқса, «Ютағон» булоғини соатлаб, ҳатто кунлаб томоша қиларди. Ер остидан вақир-вуқир қайнаб чиқиб турадиган зилол бу чашма ҳақида эл оғзида ажойиб-ғаройиб ривоятлар юради. Эмишки, вақти-вақти билан булоқ кўзидан қанотли учар от чиқиб Авлиёбоғда сайр қилар, бирор шарпа сезса дарҳол қайтиб кириб кетар экан. Бир деҳқон ерини ҳайдаб бўлгач, ҳўкизларини суғориш учун чашмага қўйиб юборибди. Чашма ҳўкизларни омочи билан бирга ютиб кетибди. Шу воқеадан сўнг бу булоқ номини «Ютағон» деб атай бошлабдилар. Бутун борлиғини илҳом сеҳри қамраб олган шоир Авлиёбоғдаги сеҳрли гўзалликларни томоша қилгач, боғ эгаси Сиддиқ бува билан мириқиб суҳбатлашарди. Сирожиддин-Сидқий Хондайлиқий Тошкентда ўн олти йил ижод қилиб, Бўстонлиқдаги Паргиз қишлоғига қайтгандан кейин ҳам Сиддиқ бува боғидан оёқ узмади.

Мўъжаз бу боғни йигирманчи йиллар охирида ГПУ эгаллаб олгач, шоирнинг йўли тўсилиб қолди. Илҳом парилари оғушида боғдан баҳраманд бўлиб юрган Сидқий Хондайлиқий, шунингдек боққа ошуфта барча инсонлар маълум муддат бу жаннатмаконга яқин йўламай қўйдилар.

Бора-бора Авлиёбоғ яна ўз эгалари қўлига қайтиб, мактаб боғига айлантирилди. Аммо узоқ йиллар давомида бу масканда ҳеч ким бирор бошпана тикламади.

Боғнинг ҳозирги номи ҳам ўзига жуда муносиб. Севимли адибимиз Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан мўъжаз бу маскан 1994 йилдан буён Сидқий Хондайлиқий боғи деб аталмоқда. Боғ ўз номига муносиб тарзда ихлос билан янада ободонлаштирилмоқда. Катта бунёдкорликлар билан бирга шоир ҳаёти ва ижодига тааллуқли жуда муҳим ишларга қўл урилаяпти. Энг аввало, бу ерда шинам бино қуриб битказилди. Энди эса бино бағрини шоир ҳаёти ва ижодига оид манбалар, мумтоз асарлар, жаҳон адабиёти намуналари билан тўлдиришга, жиҳозлашга, безатишга киришилмоқда. Токи Ўзбекистонимизнинг ҳамма тарафидан, шунингдек, чет эллардан келиб дам олаётган инсонлар фахр-ифтихор билан боққа номи танланган адиб тўғрисида тўлиқ маълумот ола билсинлар. Дарҳақиқат, боғ шаклу шамойили, улуғвор номига муносиб ва бу йўналиш қадрига етадиган эгаларини топгач, янада гуллаб-яшнай бошлади. Катта ҳамшира Умриниса Аҳмедова, ошпазлар Ойдиной Холметова, Сурайё Мин онова, Севара Турдибоева, Жамила Отабоева, хўжалик мудираси Замира Ҳакимова, бутун оромгоҳ чароғонлигини муттасил таъминлаб турувчи Абдурашид Холдоров кабилар бор экан бу ерда дам олаётган инсонлар ҳеч қачон ранжимайдилар. Бош директор Ўсарбой Умрсериков эса керак ўринда рағбатлантириш билан дам олиш маскани мувозанатини бир меъёрда сақлаб туради. Келгусида яна қирқ ўринли замонавий бино, қишки сузиш ҳавзаси ва бошқа иншоотларни қуриб битказишга киришилмоқда. Булар Сирожиддин-Сидқий Хондайлиқий таваллудининг 120 йиллиги — 2004 йилгача қуриб битказилади. Жаннатмакон боғнинг қадимий эгалари Сиддиқ бува, Сирожиддин-Сидқий Хондайлиқий каби буюк зотларнинг руҳи-поклари бундан шод экан, боғ мудом равнақ топаверади.

*Асад АСИЛ.*

● *«Туркистон-пресс» хабар қилади* ●

## ДИЛЛАР ДИЛГА ТУТАШДИ

*Пойтахтдаги «Туркистон» саройида «Ўзбекистонда Корея маданияти кунлари» доирасида ўзбекистонлик ва кореялик санъат усталарининг концерти бўлиб ўтди.*

– Санъат чегара билмайди, – деди Ўзбекистондаги Кореянинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Ким Сон Хван. – У эллар ва элатларни бирлаштиради. Қалбларга ўзгача завқ бағишлайди. Мусиқа кишилар қалбига меҳр-муҳаббат ва эзгулик туйғуларини олиб киради.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек ва корейс халқлари ўртасида азалдан дўстлик мавжуддир. Ушбу концертда ўзбекистонликлар корейс халқининг миллий рақс ва мусиқасини тинглашди. Кореяда машҳур «Самулнори» халқ ансамбли ижросидаги замонавий камер мусиқаси, дэгим санжо миллий асбобларида ижро этилган куйлар ва сальпури халқ рақси, Феруза Абдураҳмонова бошчилигидаги «Сўғдиёна» халқ чолғу асбоблари оркестри ижросидаги куйлар томошабинларни ҳайратга солди.

## ТАСМАГА МУҲРЛАНГАН СИЙМОЛАР

*Пойтахтдаги Киночилар уйида Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ижодкорлари томонидан яратилган «Умримиз боқийдир», «Асқад Мухтор» ҳамда «Замон билан ҳамнафас» номли ҳужжатли фильмлар тақдимоти ўтказилди.*

Мазкур ҳужжатли фильмларнинг умумий жиҳати шундаки, унда маънавиятимизга, адабиётимизга улкан ҳисса қўшган уч фидоий инсон ҳақида ҳикоя қилинади. Бу инсонлар томонидан яратилган асарлар, амалга оширилган ишлар ва улар шахси ҳақидаги маълумотлардан бир мунча хабардормиз. Аммо, уларнинг ибратли ҳаётларини тасмага муҳрлаб, келажак авлодга қолдириш киночиларимиз зиммасидаги масъулиятдир.

«Умримиз боқийдир» ҳужжатли киноасари шоир Усмон Азим сценарийси асосида таниқли режиссёр Шуҳрат Аббосов томонидан суратга олинди. Фильм шоир Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан яратилди. Картинада шоирнинг улкан салоҳияти, у яшаб ўтган давр зиддиятлари хусусида атрофлича фикр юритилади.

Навбатдаги фильм «Замон билан ҳамнафас» деб аталиб, у режиссёр Эдуард Хачатуров томонидан яратилган. Унда таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ижоди, адибнинг ўзбек адабиётига қўшган улкан ҳиссаси ва матонати ҳақида сўз боради. Режиссёр Равил Ботиров суратга олган «Асқад Мухтор» фильмида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор ҳаёти ва ижоди саҳифалари ёритилади. Картина ижодкорлари мазкур фильмда ёзувчининг кўпчиликка нотаниш жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилишган.

## «ЯГОНА ФАЗО»

*Ўзбекистон Бадиий академиясида Ўзбекистон – Бритиш Американ Табако қўшма корхонаси билан «Ягона фазо» мавзуида кўргазма очилди.*

– Кўп йиллардан буён Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, – деди «ЎзБАТ» қўшма корхонаси корпоратив алоқалар бўлими менежери Бахтиёр Насимов. – Биринчи ҳамкорликдаги лойиҳамиз «Аёл қалбида олам тасвири» мавзуида бўлиб, аёллар йилига бағишланган эди. Ундан кейин «АҚШ-Ўзбекистон. Рассомлар қураётган кўприк» мавзуларида лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу кўргазмада санъат ихлосмандлари австриялик беш рассом – Андре Ресси, Мариа Луиза Бейшман, Маргарет Зноже мский, Кристоф Майер ва Мансуржон Қозоқбоевнинг ишлари билан танишишади.

Таъкидлаш жоизки, «ЎзБАТ» қўшма корхонасининг лойиҳалари асосан ёш авлодга тегишлидир.

Сканворд




*Тузувчи: Акромжон ХЎЖАМОВ.*

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

OSIYO chempionati

## «ТЕННИС МАМЛАКАТИ»ДА ЯНА ШОДИЁНА

*Ўтган йили Осиё теннис федерациясининг раҳбарияти юртимизда севимли спорт турини ривожлантириш бобида амалга оширилаётган ишларни ижобий деб топди. Натижада АТF қарорига биноан Ўзбекистон уч йил давомида Осиё чемпионатига мезбонлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Шу тариқа – бутун Шарқий Осиёда қитъа чемпионатига биринчи бўлиб мезбонлик қилган давлат бизнинг серқуёш Ўзбекистонимиздир.*



Бу эса, бизнинг мамлакатимиз учун фахр-ифтихор рамзи, чунки Осиё чемпионати энг йирик минтақавий мусобақа деб қайд этилган. Жаҳонда катта обрўга эга бўлган ушбу тадбирда сайёрамизнинг энг кучли теннисчилари қатнашишга интилади. Чемпионатнинг жозибаси унинг йирик соврин жамғармасида эмас, балки бу катта тажриба мактаби бўлиб, эркаклар ва аёллар ўртасидаги баҳсларда ғолиб чиққан ракетка усталари келаси йилнинг январь ойида ўтказиладиган «Улкан тож» туркумига кирувчи энг нуфузли тўрт мусобақадан бири – Австралия Очиқ чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берадиган «Wild card»га эга бўлади. Ўтган йилги мусобақаларда японялик ракетка усталари — Акико Моригами (аёллар) ва Гоучи Моторума (эркаклар) ғалаба қозонишган эди.

Тошкент теннис маркази кортларида 21 сентябрь куни старт олган 2003 йилги Осиё чемпионати мусобақалари 28 сентябргача давом этади. Унда сайёрамизнинг йигирма давлатидан ташриф буюрган 64 теннисчи ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.

— Ниҳоят, орадан бир йил вақт ўтиб, ўзбек халқи яна бир бор Осиё чемпионатига мезбонлик қилмоқда, — деди мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон теннис федерацияси президенти Рустам Иноятов. — Бу галгисини мақташга арзигулик тарзда ўтказиш учун барча тайёргарлик ишларини амалга оширганмиз. Бир ҳафта мобайнида иштирок этувчи моҳир спортчиларга омадлар тилаб қоламиз.

Мусобақанинг биринчи кун натижаларига тўхталсак. Юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган бир қанча теннисчиларимиз дастлабки тур учрашувларини ўтказишди. Айтиб ўтиш керакки, шу кун асосан ёш ва умидли теннисчиларимиз баҳсга киришишди. Дастлаб кортга чиққан ҳамюртимиз В. Узоқов хитойлик рақиби Йин Ксюни икки сетда 6:1 ва 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Аёллар ўртасида эса, икки кортда ҳамюртларимиз бир-бирига қарши беллашишди. В. Экшибарова И. Ситжемиловани, Е. Арутюнова эса, Н. Раҳмоновани мағлуб этиб, иккинчи босқичга тўғридан-тўғри йўл олишди.

Қолган ўйинларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди:

Муҳаммад ал-Ғариб (Кувайт) — Моҳд Нор Нордин (Малайзия) — 6:2, 6:2

Минх Куан До (Жанубий Корея) — Борис Байчоров (Қирғизистон) — 6:3, 6:0

Юлия Резникова (Қозоғистон) — Чаттида Зимжапо (Таиланд) — 0:5, иккинчи сетни рад этди.

Вукираш Савондари (Индонезия) — Зи-Ким Тран (Вьетнам) — 6:3, 6:1.

Чемпионатнинг кейинги натижалари билан газетамизнинг келгуси сонида танишасиз.

*Хуршида НАЗАРОВА.*

## ГИЛАМДА ТУРОНЧИЛАР

*«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг саъй-ҳаракати билан Тошкент туманидаги спорт ва соғломлаштириш мажмуида «Турон» якка кураши бўйича вилоят очиқ биринчилиги мусобақалари ташкил этилди.*

Унда Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Бухоро, Фарғона, Тошкент вилоятларидан жами 200 дан зиёд полвонлар ғалаба учун курашдилар. 1992-1993, 1994-1995 йилларда таваллуд топган спортчилар 17 вазн тоифасида гилам узра муросасиз ва кескин баҳс олиб боришди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти вакиллари биринчи, фарғоналик спортчилар иккинчи ҳамда пойтахт ёшлари учинчи ўринни қўлга киритишди. Вилоятимиз спортчилари жамғармасига жами 17 та олтин, 17 та кумуш ва 17 та бронза медали қўйилди.

Ривоятлар

### ДОНИШМАНДНИНГ КУЁВ ТАНЛАШИ

*Абул Фарож шундай нақл қиладики, бир донишманд кишининг қизи бор экан. Унга икки киши, яъни бир бой ва бир камбағал совчи юборибди. Донишманд қизини камбағал йигитга берибди. Одамлар бунинг сабабини сўрашганда, донишманд: «Давлатманд йигитнинг эси пастроқ кўринди, у ҳадемай ўз мол-давлатидан ажралиб қолиши мумкин. Камбағал эса, зийрак ва эс-ҳушли экан. Эси бор одамнинг сал вақтда бойиб кетишига ишонса бўлади», — деб жавоб берибди.*

### ОЧКЎЗ БОЛА ҲИКОЯСИ

*Абдураҳмон Жомийнинг нақл қилишича, бир куни бир кишига кўчада бир бола дуч келди. Ҳалиги киши: «Нега йиғлаяпсан?» деб сўраса, боланинг қўлида «ойдан ҳам катта» нони бўлиб, уни тишлаб еб туриб йиғлар эди. Бола: «менинг иштаҳам каттаю, ноним кичик, уни есам, тугаб қолса нима қиламан, деб йиғлаяпман», — дея жавоб қилди.*

### ХАСИС ВА ШОИР

*Бир шоир хасис мулкдордан мукофот ундириш қасдида унга бағишлаб, қасида ёзди, аммо хасис унга ҳеч нарса бермади. Шоир яна унга бағишлаб қитъа айтди, хасис яна ҳеч нарса бермади. Бундан жаҳли чиққан шоир ҳажв битди, яна ҳеч нарса унмади. Шунда ноилож, хасиснинг эшиги олдида ўтириб олди. Уни кўрганлар шоирдан: «бу ерда нима қилиб ўтирибсан?», — деб сўрашди. «Шу хасис ўлса, унга бағишлаб марсия ёзмоқчиман», — деб жавоб қилди шоир.*

*Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.*

Халқ табобати

## ДЕВОРТАГИ ЎТИ

Табобатда нафас йўлларининг сурункали катарлари ва томоқ оғриги, ангина, стоматитда бу ўтнинг қайнатмалари даво учун ишлатилади. Шунингдек, ундан оғиз, томоқни чайишда фойдаланилади. Бу ўтдан гомеопатияда ҳам қўлланилади.



Замонавий табобатда ушбу ўтдан тайёрланган дамламаларнинг тинчлантирувчи хоссаларга эга бўлиб, артериал қон босимини пасайтириши аниқланган.

Тайёрлаш усули: қуритилган девортаги ўтини майдалаб, 2 чой қошиқ миқдорида олинади-да, устига икки стакан совуқ сув қуйиб, оғзи берк идишда 2-3 соат қўйиб қўйилади. Кейин сузиб олиб, таъмига қараб шакар қўшилади ва 1/4 стакандан кунига 4 маҳал ичилади.

Турмуш чорраҳаларида

# ОДАМ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

*Ҳаёт бир маромда турмайди. У ҳамиша олға интилиб бораверади. Мана шу зайлда у ўзининг турли паст-баландликларида тажрибаю кўникмаларимизни чархлаб, эътиқодимизни мустаҳкамлайди. Қалбимиздаги борлиққа, истиқболга муҳаббат, ишонч туйғуси бизни янада руҳлантириб, ортга чекинишдан сақлайди, бахтга, фаровон турмушга эришувга ундайди.*

Лекин, киши ўз тақдирига бефарқ бўлса-чи? Бундан-да оғирроқ бахтсизлик бўлмаса керак.

Хизмат сафари билан Бўка туманига бордик. Шунда бир оила тақдири бизни бефарқ қолдирмади. Сабаби, болалар ўз қисматидан нола қилганича қизлик уйига кетиб қолган она меҳрига, тарбиясига зор бўлиб қолганлиги, мурғак кўнгиллар изтироби яққол сезилиб турарди. Қолғансир қишлоғининг аҳолиси бу хонадон парокандалигидан, оила бошлиғига ҳеч бир насиҳат кор қилмаслигидан, болажонларнинг эътиборсиз қолаётганлигидан куюнишар, лекин ҳамқишлоқлари Жумабойнинг кажбахт феъли, гап уқмаслиги туфайли ноилож экан.

Қишлоқда Жумабойни яхши билишади. У Ангрендаги вилоят педагогика институтида таълим олди. Ўзи ўқиган мактабда рус тили ва адабиётидан дарс бера бошлади. Бу орада турмуш қурди. Унинг фикрича, афсуски, тақдир унга «омад» келтирмади. Ёш оила ажралиб кетди. У иккинчи бор уйланди. Унга яна «бахт» насиб этмади. Жумабойга Иброҳим исмли мурғаккина гўдакни қолдириб, хотини вафот этди. Қариндош-уруғлар не-не умидлар билан Жумабойни учинчи бор уйлантириб қўйишди. Биринчи турмуши бекор бўлган Анора бунисига астойдил меҳр қўйиб, оилани мустаҳкамлаш учун бор иқтидорини ишга солди. Онадан гўдаклигида етим қолган Иброҳимни еру кўкка ишонмай, катта қила бошлади. Бу орада биринчи фарзанди Эрмекбой дунёга келди.

Ҳар бир оила ўзи бир дунё. Турмушнинг барча паст-баландликлари Анорани ўзининг синовларидан бирма-бир ўтказарди. Кўп ўтмай Жумабойнинг эски қилиқлари яна «ниш» кўрсата бошлади. Бундан безиган Анора Чинозга, ота-онаси бағрига кетиб қолди. Тўрт кун ўтгач, ота-онаси билан келиб, кўч-кўронини олиб кетишга мажбур бўлди.

Тўғри, тавба-тазаррулар қилиб, айбига иқрор бўлганидан кейин, фаоллар аёлнинг ота-онаси билан гаплашиб, илтимос қилиб, икки ёшни яраштириб қўйишди. Оила яна бир маромда яшай бошлагандек кўринарди. Бу орада иккинчи фарзанд — Юлдуз ҳам дунёга келди. Афсуски, Жумабой ўзининг ишёқмаслиги, лоқайдлиги туфайли турли хил майда-чуйда можаролар чиқариб чарчамасди. Арзимаган сабаб билан жанжал-тўполон кўтаришини қўймасди. Бир куни ёш ҳамкасбининг таклифига биноан жамоа билан туғилган кунга борди. Улфатчиликда бироз «қизиб» ҳам олди. Кеч кириб, хавотир олган Анора уни чақириб келиб қолди. Жумабой ширакайф ҳолда «ўтириш»ни бузган хотинига ўдағайлаб кетди. Бу машмаша уйда ҳам тинчимади. Бу воқеадан сўнг Анора яна ўз уйига кетиб қолди.

Жумабойнинг оиласидаги нотинчликлар хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан танишмоқчи бўлиб, у ишлаётган 33-мактаб директори Абдумалик Турғунбоевга мурожаат этдик.

— Охирги ярашувда ҳал қилувчи роль ўйнадим, — оҳиста гап бошлади мактаб раҳбари. — Бир куни Жумабой менга учрашиб: «Ака, мен учун кафолатга турадиган одам керак экан, мактаб раҳбари сифатида хат ёзиб берсангиз, яхши бўларди» — деб қолди.

Тўғриси, ўша вақтларда ичишни бироз ташлаганди. Ўйланиб қолдим. Охири, бир оила бахти, келажаги, қолаверса, болалар тақдири учун, деб кафолатнома ёзиб бердим. Шундан сўнг Анoранинг ота-онаси ишонч ҳосил қилиб, қизларини яна олиб келиб қўйишди. Бир йилдан кўпроқ иноқ яшаётгандай бўлишди. Жумабой яна аста-аста ичкиликнинг кучини кўрсата бошлади.

— Бу оилани икки-уч йилдан бери биламан, — дейди Намуна қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муҳаммадали Бектурганов. — Жумабой билан маҳалла оқсоқоллари, қўни-қўшнилар иштирокида кўп маротаба суҳбатлашганмиз. Анорани ҳимоя қиламан. Чунки, у ўз дардини ичига ютарди. Бирон марта ҳам эридан шикоят қилиб, идорага келган эмас, «болаларим» деб яшарди.

Шу борди-келдилар сабаб бўлиб, бир неча бора Анoранинг ота-онаси билан суҳбатда бўлганман. Қишлоқнинг баобрў, ҳаёт синовларини кўрган, оғир-босиқ одамлар экан. Улар ҳам бу оилани тиклашга узоқ муддат умид боғлашди. Энди чинакамига умидларини узишди, чамамда. Анoранинг онаси «кўпчиликнинг ҳурмати учун оилани тикладим, эвазига яна бир тирик етимнинг сонини кўпайтирдим» — деб йиғлаб юборди.

Анора ҳам қайтиб бу хонадонга келмаслигини минг истиҳола билан айтди.

Чиқмаган жондан умид, дейдилар. Жумабой фарзандларини ўйлаб, қилмишларига иқрор бўлиб, ўткинчи ҳузур-ҳаловатларига қўл силтаб, ичкиликни ташлаганлигини айтди. Шоядки, оила яна қайта тикланиб, тинч-тотув яшаса, бахтга, саодатга эришса. Меҳр-оқибат, қадр-қиммат кучайса, уч норасида гўдакнинг келажаги, оиланинг бахт-иқболи ҳақида бироз бош қотирса. Ҳамма гап оила бошлиғида қолган. Агарда ҳақиқатан оиласини тикламоқчи бўлса, аввало, феъл-атворини ўзгартириши, Анорани хўрламаслиги, аксинча, оила бекасининг қадр-қимматини ўрнига қўйиши керак. Ҳаётда Жумабой ҳам ўзининг қадрига етиши, оила келажаги учун астойдил интилиши лозим.

*Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,*
*«Тошкент ҳақиқати» мухбири.*

### Эб-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 24 сентябрь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, баъзи ҳудудларда бироз ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-11, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Тоғли ҳудудларда бироз ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

АТ «Пахта-банки» Тошкент вилояти бошқармаси жамоаси банкнинг Бўка бўлими бошқарувчиси Абдураҳим Чинтошевга падари бузруквори **Абдуқаҳҳор ЧИНТОШЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ — ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-846. Адади 3911. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умиджон АБДУШОҲИДОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 2 3 4 5 6